

Мундан икки ой бурун «Туркистонда англиз мудофаасини сактамок учун Чин кўшуни келмокчи эмиш» деган бир хабар чикганда «Хуррият» газетаси икки макола ила фикрини билдирган[1] ва Туркистон сиёсийларини уйгокликка чакирган эди. Бу кун иш бир оз очилди: Туркистонга англиз вакиллари, англиз жосуслари кела бошладилар.

Бу вакиллардан Когонда Сапар Бадлўф[2]нинг уйига кўнган бир хиндли Парнасинг рус расмий доираларинда бердиги маълумотга караганда бир одам хинд инкилобчиларидан эмиш. Хиндустонда инкилоб чикармок учун большевиклар билан музокара килгали келган эмиш. Шаркнинг эски ҳукуматлариндан бириси айдиги учун рухсат берилса, бечора ҳукуматини кўрмокчи эмиш.

Бунларнинг юкори доираларга ҳам сўзлари шу эса биз бунларга «яшурун бир мақсад учун келган жосуслар» деб қарарга мажбур қолурмиз. Юкори доираларга тилақларини очибгина айткан бўлсалар, у вақт бунларнинг большевиклар билан музокара килгали келган вакиллари айдуқларига шубҳа қолмас. Хар ҳолда маъсаланинг шу нуқтаси маълумдурким бунлар жосус бўлсалар ҳам вакил бўлсалар ҳам тилақлари бирдир. Бунларнинг иккинчиси бир Хиндустонни олмақчи бўлганлар. Бунларнинг кўзлари бизнинг юртимиздадир.

Англизлар билан Туркистон орасинда Афғон ва Чин ҳукуматлари бордир. Ажабо Британия тулкилари Туркистонимизга бурунларини суқмоқучун Чин ҳукумати биланми онглашадилар. Афғон ҳукумати биланми?

Оғиз хабарларига караганда, хар иккиси билан ҳам онглашган, хатто Афғон ҳукумати билан иттифоқи қучлироқга ўхшайдирлар. Лекин биз шул Афғон ва Англиз иттифоқини қабул қилмаймиз.

Маълумдурким: бу кун Герман ва Турк давлатларининг биринчи душманлари англиздир. Герман ва турк давлатлари олдида Туркистоннинг англизларга қечмақиндан русларга қолмоғи яхшироқдир. Бир вақтлар ўзини турк давлатининг бир қашиши[3] атаган Афғон ҳукумати турк сиёсатига шунча молиқ бўлган бир маъсalani қабул қиларми?

Англиз билан иттифок этмак – герман ва туркга қарши қикмоқдир. Афғон ҳукумати бу йўлга қирарми? Англиз хийласининг таъсири буюқдир, эҳтимол қим, Афғон ҳукумати ҳам олдандур, лекин бизнинг умидимиз бошқадир.

Афғон ҳукуматининг урушга қотишмоғи мумқиндир, унинг қучи бордир, эҳтимолқим, вақти дахи бўладир, лекин биз умид қиламизким, Афғон ҳукуматининг бу ҳаракати англиз фойдаси учун эмас, герман ва турк қилонларига мувофиқ бўлмоқ шарти билан ўз фойдаси учун бу ҳаракат Хиндустонга қарши бўлгулидир.

Аммо Англиз ва Чин иттифоқи мумқиндир. Чин ҳукумати Жапун таъйикотиндан қутулмоқ ва ўлкасининг рус нуфузи остида қолган қисминда ўз ҳуқуқини тасдиқ этурмақ учун Англиз давлатининг турли хизматларига ҳозирдир.

Эмди масъаланинг бошка бир жихати колди. Туркистонни дахи Хиндустон каби ютмоқчи бўлган англизлар бу уруш майдонидан қандай чиқарлар? Мағлубми? Мағлуб чиқарлар эса, Туркистонни қайси қуч билан сакларлар?

Ўз хийлаларига ишонган чидамли англизлар ўзларини шул мухорибадан оз зарар билан соқгина қутқармоқ учун албатта бир пилон қизган ва шул пилонларига ишонгандирлар. Мана шул нуктага биноан, сулҳдан бурун Туркистонни олиб душманларини «амру афу»[4] қаршисинда қўймоқ ва сулҳ мажлисинда қирганда Туркистонни қайтариб берарга мажбур бўлсалар ҳам унинг ўрнида бошка ёқдан бирор нарса сакламоқ фикринда бўлсалар керак.

Аммо бизнинг фикримизга қўра, англиз ҳукуматининг бу урушдан оз зарар билан соқгина қутулмоғи мумкин эмасдир. Германиянинг оғир ва ёмонроқ зарбаси англизларнинг бошларига инар[5]. Англиз ҳукумати бутун ишдан қикмайин бу урушдан қиколмас. Шул суратда Туркистоннинг толеъи[6] нимадир?

Уни туркистонлиларнинг ўзлари тайин қиларлар, аммо иттифок ва иттиход айтиб бутун фикрларини бир нуктада тўплагандан кейин!..

(«Хуррият», 1918 йил, 29 март, 82-сон)

[1] «Хуррият» газетасининг 64-сонидаги «Англиз ўйунлари» ва «Таксими аъмол» (67-сон) мақолалари назарда тутилади.

[2] Сафар Бадлов — Когонда (янги Бухоро) яшаётган рус мухожирларидан бири. Амир Олимхоннинг маслахатчиси ва ноиби Миллернинг буйругига қўра Когонда қўплаб рус ва яхудий бойлари тўплаган эди.

[3] қашш — тортилган, қалб этилган.

[4] амру аву — афв этиш ҳақидаги буйрук. Бу ерда: амнистия.

[5] инар — қелар, тушар.

[6] «Туркистоннинг толеъи» ҳақида Фитрат айна 10-йиллар охиридаги сиёсий воқеаларни қуқур таҳлил этган «Шарқ сиёсати» (Тошқент, 1919) рисоласида батафсил маълумот берган.